

**«KREDITOMAT TASHKENT
MIKROKREDIT TASHKILOTI»
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN
JAMIYATI
SHAKLIDAGI XORIJIY KORXONASI
TA'SISCHILARI UMUMIY
YIG'ILISHI TOMONIDAN
2024 yil 12 iyun kunidagi
BAYONNOMA asosida
TASDIQLANGAN**

**TA'SISCHILAR UMUMIY
YIG'ILISHINING RAISI**



**«KREDITOMAT TASHKENT MIKROMOLIYA
TASHKILOTI»
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
SHAKLIDAGI XORIJIY KORXONASI
USTAVI
(yangi tahrirda)**

Toshkent – 2024 yil

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1. «KREDITOMAT TASHKENT MIKROMOLIYA TASHKILOTI» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi xorijiy korxonasi (keyingi matnda «ЖАМИЯТ» деб аталувчи) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсис қилинган ва фаолият олиб боради, дастлаб Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2019 йил 18-ноябрдаги №781573 -сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган.

1.2. ЖАМИЯТНИНГ таъсисчилари (кейинчалик матн бўйича «ТАЪСИСЧИЛАР», «ИШТИРОКЧИЛАР») қуйидагилар:

- **VELESIK Viktor Andreyevich (Велесик Виктор Андреевич)** – Россия Федерацияси фуқароси (паспорт серияси 77 №0980760, 2023 йил 31 июль МВД 36007 томонидан берилган) қуйидаги манзил бўйича яшовчи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзакалон Исмоилий кўчаси, 5-уй, 31-хонадон.
- **DJUSUPOV Yerkin (Джусупов Еркин Адильевич)** Қозоғистон Республикаси фуқароси (паспорт серияси N №12716352, 2019 йил 31 октябрь куни MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS томонидан берилган) қуйидаги манзил бўйича яшовчи: Тошкент ш, Юнусобод т-ни, Ифтихор кўчаси, 80-уй, «OSIYO PALACE» меҳмонхонаси.

1.3. ЖАМИЯТНИНГ тулик расмий номи:

Ўзбек тилида:

Тулик – «KREDITOMAT TASHKENT MIKROMOLIYA TASHKILOTI» Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi xorijiy korxonasi.

Кискача - «KREDITOMAT TASHKENT MIKROMOLIYA TASHKILOTI» MChJ ХК.

Рус тилида:

Тулик – Иностранное предприятие в форме Общества с Ограниченной Ответственностью «KREDITOMAT TASHKENT MIKROMOLIYA TASHKILOTI».

Кискача- ИП ООО «KREDITOMAT TASHKENT MIKROMOLIYA TASHKILOTI».

1.4. ЖАМИЯТНИНГ почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яккачинон кўчаси, 4-уй, 54-хонадон.

1.5. ЖАМИЯТ узининг расмий номи курсатилган думалок муҳрга, бурчакли штампга ва фирмали бланкаларга эга бўлади.

1.6. ЖАМИЯТ фаолиятининг муддати чекланмаган.

2. ЮРИДИК МАҚОМ.

2.1. ЖАМИЯТ уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ва бошқа меъерий ҳужжатларга ҳамда ушбу УСТАВ (кейинги матнда «УСТАВ») ва Жамиятнинг Таъсис Шартномасига (кейинги матнда «ШАРТНОМА») мувофиқ амалга оширади.

2.2. ЖАМИЯТ Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсидир, мустақил баланси, банк муассасаларида ҳисоб ва бошқа рақамларига эга. ЖАМИЯТ уз фаолиятини тулик ҳужалик ҳисоби, уз-узини молиявий таъминлаш ва уз харажатларини узи коплаш асосида олиб боради

2.3. ЖАМИЯТ уз фаолиятининг белгиланган мақсадларига эришиши учун уз номидан шартномалар тузиши, мулкый ҳуқуқларни қулга киритиши ва жавобгарликни уз зиммасига олиши, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ барча юридик аҳамиятига эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳужалиқ, фуқаролик ишлари бўйича, ҳакамлик ва халқаро судларида даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.4. ЖАМИЯТ уз тузилма бўлимларини, шўба қорхоналарини, филиалларини ва вақолатхоналарни ташкил этиш ҳуқуқига эга. ЖАМИЯТНИНГ тузилма бўлимлари, шўба қорхоналари, филиаллари ва вақолатхоналари ЖАМИЯТ томонидан тасдиқланган УСТАВ асосида иш юритадилар.

2.5. ЖАМИЯТ уз мажбуриятлари бўйича узига тегишли ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида туловга айлантирилиши ва ундирув қаратилиши мумкин бўлган барча мулки билан жавоб беради.

3. ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ, МАҚСАДИ ВА МУДДАТИ.

3.1. ЖАМИЯТНИНГ мақсади фойда олишдир.

ЖАМИЯТНИНГ асосий фАОлият доираси халқ ҳужалиги ва аҳолини халқ истеъмол молларга, ишлаб чиқариш маҳсулотларга ва турли фАОлият соҳаларидаги эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

3.2. Уз фАОлият мақсадига эришиш учун ЖАМИЯТ қуйдагиларни амалга оширади:

3.2.1. Пардоз-андоз бўюмлари ишлаб чиқариш;

3.2.2. Маркетинг тадқиқотлари, тижорий фАОлият, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати;

3.2.3. Ишлаб чиқариш-техник молларини олиш ва сотишдаги воситачилик хизмати;

3.2.4. Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати;

3.2.5. Қиммат баҳо қозғаларни, валюталарни рлиш ва сотишда ҳамда ижарага беришда алоҳида ихтисослашмаган воситачилик хизмати;

3.2.6. Янги технологияларни, илмий-техник ахборотни, ноу-хауни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3.2.7. Илмий-техника маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш•,

3.2.8. Транспорт хизматлари;

3.2.9. Полиграфия хизмати;

3.2.10. Ноширлик хизмати;

3.2.11. Лизинг хизматларини тақдим этишқ

3.2.12. Таъмирлаш, қурилиш ва монтаж-техника ишларини бажариш;

3.2.13. Жисмоний ва юридик шахсларга сервис хизмати қУрсатиш;

3.2.14. Қимматли қозғалар билан амалга ошириладиган амалиётлар;

3.2.15. Миқозларнинг топширигига биноан мол-мулкни ва қимматли қозғаларни бошқариш;

3.2.16. Очик ва ёпик турдаги божхона омборларини ташкил этиш;

3.2.17. Тижорат-воситачилик фАОлияти;

- 3.2.18. Умумий овкатланиш тармогини, кафе, барлар, ресторанларни ташкил этиш;
- 3.2.19. Реклама фаолияти;
- 3.2.20. Инвестиция фаолияти;
- 3.2.21. Божхона брокери сифатида молларни декларация қилиш;
- 3.2.22. Ёнгиндан саклайдиган қурилиш конструкцияга ишлов бериш: шу жумладан металл, ёғоч, парвозлаш материаллари;
- 3.2.23. Маиший техника, компьютер техникаси, телефон тармоғи, алоқа мосламаси, электрон техникаси аппаратларини таъмирлаш;
- 3.2.24. Алоқа воситаларини, компьютер тармоқларини созлаш, лойihalаш, монтаж қилиш ва уларга техник хизмат қурсатиш;
- 3.2.25. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлмаган қучмас мулкни сотиш ва ижарага бериш;
- 3.2.26. Ишлаб чиқариш-техник хусусиятига эга бўлган қучмас мулкни сотиш ва ижарага бериш;
- 3.2.27. Ишлаб чиқариш воситаларини, уй-жой, офис бинолари, хоналарни, транспорт воситалари ва турли хил ускуналарни ва бошқа мол-мулкни ижарага олиш ва бериш;
- 3.2.28. Мехмонхоналар, сайёҳлик базалари, мотеллар, кемпинглар қуриш, ташкил этиш очиш ва хизмат қурсатиш,
- 3.2.29. Соғломлаштириш ва дам олиш муассасаларини ташкил этиш;
- 3.2.30. Алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш;
- 3.2.31. Озик-овқатга қушиладиган концентрантлар ишлаб чиқариш,
- 3.2.32. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш;
- 3.2.33. Улгуржи савдо;
- 3.2.34. Чакана савдо;
- 3.2.35. Қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- 3.2.36. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва саноатга тадбиқ этиш;
- 3.2.37. Ўзбекистон Республикасида ва хорижда ярмаркалар, курғазмалар, тендерлар ва бошқа турдаги
- 3.2.38. савдони ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;
- 3.2.39. савдо уйлари, дуконлар, супермаркетларни қуриш, очиш ва уларнинг фаолият қурсатишига оид ишларни олиб бориш;
- 3.2.40. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ молларни. Махсулотни, ишлар ва хизматларни экспорт ва импорт қилиш юзасидан шартномалар тузиш, шунингдек бошқа турдаги ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланиш;
- 3.2.41. Истеъмол ва ишлаб чиқариш-техника хусусиятига эга бўлган молларни ишлаб чиқариш;
- 3.2.42. Фаолиятнинг қонучлик билан тақиқланмаган бошқа турлари.
- 3.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ва ушбу УСТАВДА назарда тутилмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланиши мумкин.
- 3.4. Лицензия ёки махсус рухсат олишни талаб қиладиган фаолият турлари, ЖАМИЯТ томонидан тегишли лицензия ёки махсус рухсат олингандан кейин амалга оширилади.

4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ.

4.1. ЖАМИЯТ фаолиятини таъминлаш учун ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ улушлари хисобидан 2 230 000 000,00 (Икки миллиард икки юз ўттиз миллион) сум 00 тийин миқдорида Устав фонди шакллантирилган.

4.2. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ Устав фондига киритилган ва ҳар бирига тегишли бўлган улушларнинг миқдори ва номинал қиймати қуйидаги тарзда белгиланади:

VELESIK Viktor Andreyevich (Велесик Виктор Андреевич)	1 471 800 000 сум 00 тийин	ёки 66%
Djusupov Yerkin (Джусупов Еркин Адильевич)	758 200 000 сум 00 тийин	ёки 34%

4.3. ЖАМИЯТ Устав фонди ТАЪСИС ШАРТНОМАДА, қонун асосида, белгиланган тартибда, усулда ва муддатда ташкил қиланади.

4.4. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИЛАР Умумий йиғилиши қарорига асосан, Устав фондиди қупайтириши ёки қамайтириши мумкин.

4.5. ЖАМИЯТНИНГ Устав фондидининг қупайтирилиши факатгина ТАЪСИСЧИЛАР уз улушларини тулик қиритгандан сунг амалга оширилиши мумкин. ЖАМИЯТНИНГ Устав фонди қупайтирилиши ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ қушимча улушлари хисобидан ва/ёки ЖАМИЯТ хисобидан амалга оширилиши мумкин. ЖАМИЯТНИНГ Устав фонди ЖАМИЯТ хисобидан қупайтирилиши тугрисида қарор факат ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йил ЖАМИЯТНИНГ бухгалтерия хисоботи маълумотларига асосан қабул қилиниши мумкин.

4.6. ЖАМИЯТ уз Устав фонди ТАЪСИСЧИЛАРГА тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини қамайтириш ва/ёки ЖАМИЯТГА тегишли бўлган улушларни тулаш йули билан қамайтирилиши мумкин. ЖАМИЯТ Устав фонди қамайтирилиши тугрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида ЖАМИЯТ Устав фонди қамайтирилиши ва унинг янги миқдори тугрисида унга маълум бўлган ЖАМИЯТНИНГ барча қредиторларни хабар қилиши шарт, ҳамда қабул қилинган қарор тугрисида хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши қерак.

4.7. ЖАМИЯТ Устав фонди миқдорини узгартириш ҳақидаги қабул қилинган қарор УСТАВГА ва ШАРТНОМАСИГА тегишли узгартиришлар ва қушимчалар давлат руйхатидан утгандан сунг учинчи шахслар учун қучга қиради.

4.8. ТАЪСИСЧИ Устав фондидаги уз улушини ёки унинг бир қисмини битта ёки бир нечта ТАЪСИСЧИЛАРГА сотиши ёки бошқа йули билан воз қечиши мумкин. Бундай ҳолатда ЖАМИЯТНИНГ қолган ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ розилиги олиниши қерак эмас. ЖАМИЯТНИНГ Устав фондидаги улушни воз қечиш тугрисидаги ариза ёки битим оддий ёзма тартибда бўлиши шарт. Акс ҳолда ушбу ариза ёки битим ҳақиқий эмас деб хисобланади.

4.9. ТАЪСИСЧИ Устав фондидаги уз улушини учинчи шахсларга сотиши ёки бошқа йули билан воз қечиши таъқиқланади.

4.10. Ворисларга (конун буйича ҳукукий ворисларга) ТАЪСИСЧИЛАРНИ Устав фондидаги улишни утиши бошқа ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

4.11. ЖАМИЯТНИНГ Устав фондидаги улушларнинг камида 10% эга булган ТАЪСИСЧИСИ ЖАМИЯТ олдида уз мажбуриятларини купол равишда бузган еки уз харакатлар (харакатсизлиги) билан ЖАМИЯТНИНГ фаолият курсатишга имкон бермаётган еки уни жиддий равишда кийинлаштираётган булсалар, ТАЪСИСЧИЛАР уни суд тартибида ЖАМИЯТДАН чиқарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар, аммо Устав фондини камайтириш еки купайтириш масаласи бундан мустасно.

4.12. ТАЪСИСЧИСИ уз истаган вақтда қолган ТАЪСИСЧИЛАРНИ розилигига қарамасдан уз улушини олган ҳолда ЖАМИЯТДАН чиқиши мумкин.

4.13. ЖАМИЯТДАН чиққан еки чиқарилган ТАЪСИСЧИНИНГ улуши ЖАМИЯТНИ ҳисобига утади. Бундай ҳолатда ЖАМИЯТДАН чиққан еки чиқарилган ТАЪСИСЧИГА унинг улушининг ҳақиқий қийматини тулаб бериши еки ТАЪСИСЧИНИ розилиги билан ушбу улушнинг қиймати миқдорида ЖАМИЯТНИНГ мол-мулкани бир қисмини натура шаклида ТАЪСИСЧИГА беради. ЖАМИЯТ ҳисобига утган улуш ЖАМИЯТНИ ҳисобига утган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида Умумий Йигилиши томонидан қабул қилинган қарорига асосан қолган ТАЪСИСЧИЛАР уртасида уларнинг Устав Фондига қушган улушига нисбатан тенг равишда тақсимланиши еки битта еки бир нечта ТАЪСИСЧИЛАРГА сотилиши керак.

5. ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. ТАЪСИСЧИЛАР қуйидаги ҳуқуқларга эга буладилар:

5.1.1. УСТАВ, ШАРТНОМАСИ ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қузда тутилган тартибда ЖАМИЯТ ишларининг бошқарувида қатнашиш;

5.1.2. ЖАМИЯТ фаолиятдан тушадиган фойданинг тақсимланишида қатнашиш;

5.1.3. ЖАМИЯТ фаолияти ҳақидаги тулик ахборотни олиш ва унинг бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари билан белгиланган тартибда танишиб чиқиш;

5.1.4. Уз истаган вақтда қолган ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ розилигига қарамасдан қонун ва ЖАМИЯТ таъсис ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ЖАМИЯТДАН чиқиш;

5.1.5. ЖАМИЯТ тугатилаётганда қредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сунг қолган ЖАМИЯТ мол-мулканинг бир қисмини еки унинг қийматини олиш;

5.2. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ҳамда УСТАВДА ва ШАРТНОМАДА қузда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга буладилар.

5.3. ТАЪСИСЧИЛАРИ қуйдагиларга мажбурдирлар:

5.3.1. УСТАВДА ва ШАРТНОМАДА қузда тутилган тартибда, миқдорда ва муддатларда ЖАМИЯТ Устав фондига уз улушини қиритиш;

5.3.2. ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ Умумий Йигилишнинг қарорларини ижро этиш;

5.3.3. ЖАМИЯТ фаолияти билан боглиқ махфий маълумотларни ошқор қилмаслик;

5.3.4. УСТАВ ва ШАРТНОМАСИ қоидаларига риоя қилиш;

5.4. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ҳамда УСТАВДА ва ШАРТНОМАДА қузда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт.

5.5. ТАЪСИСЧИЛАР ЖАМИЯТ мажбуриятлари буйича, ЖАМИЯТ эса ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

5.6. ТАЪСИСЧИЛАР узлари кушган улушлари чегарасида ЖАМИЯТ фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарлар таввакалчилигини ўз зиммаларига оладилар. Ўз улушини тулик туланмаган ТАЪСИСЧИСИ ЖАМИЯТНИНГ мажбуриятлари буйича ўз улушининг туланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

6. ЖАМИЯТНИНГ БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИ.

6.1. ЖАМИЯТ бошқарув органлари қуйидагилар:

- ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ Умумий Йиғилиши (кейинги матнда «ЙИГИЛИШ»)
- ЖАМИЯТНИНГ олий бошқарув органи ҳисобланади.
- Директор (кейинги матнда «ДИРЕКТОР») ягона ижро органи ҳисобланади.

6.2. Қуйидагилар ЙИГИЛИШИ мутлақ ваколатларига қиради:

6.2.1. ЖАМИЯТ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, ҳамда тижорат ташкилотларнинг бошқа уюшмаларига иштирок этиш тугрисида қарорни қабул қилиш;

6.2.2. ЖАМИЯТ Устав фонди миқдорини ўзгартириш;

6.2.3. УСТАВГА ва ШАРТНОМАСИГА ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тугрисидаги қарорларни қабул қилиш ва УСТАВНИ ва ШАРТНОМАСИНИ янги таҳрирда тасдиқлаш;

6.2.4. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИ тайинлаш ва унинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш;

6.2.5. ЖАМИЯТ фаолиятининг йиллик ҳисоботларни ва йиллик балансларини тасдиқлаш;

6.2.6. ЖАМИЯТ олган соф фойданинг ТАЪСИСЧИЛАРИ ўртасида тақсимлаш тугрисида қарорни қабул қилиш;

6.2.7. ЖАМИЯТ органларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

6.2.8. Аудитор текширувини ўтказиш тугрисида қарорни қабул қилиш, аудитор ташкилотини танлаш ва унинг хизматлар ҳақини юқори миқдорини белгилаш;

6.2.9. ЖАМИЯТНИНГ қайта ташкил этилиши ва тугатилиши ҳақидаги қарорларни қабул қилиш;

6.2.10. Тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

6.2.11. ЖАМИЯТ шўба қорхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тугрисида қарорларни қабул қилиш, улар ҳақидаги Уставларни тасдиқлаш;

6.2.12. ЖАМИЯТ маблағлари ҳисобидан бошқа юридик шахсларни таъсис этиш, акциялар ва бошқа юридик шахсларнинг Устав Фондидаги улушларини сотиб олиш;

6.2.13. ЖАМИЯТ томонидан қонунда қўзда тутилган йирик битимларни тузиш тугрисида қарорни қабул қилиш;

6.2.14. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИ мулкӣ жавобгарликка тортиш тугрисида қарорни қабул қилиш;

6.2.15. ЖАМИЯТ томонидан ТАЪСИСЧИСИГА тегишли бўлган улушни сотиб олиш.

6.3. ЙИГИЛИШ қворуми Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади ва етарли овозлар қорлигида қарор қабул қилиши мумкин.

6.4. ЙИГИЛИШДА қарор очик турдаги овоз бериш билан қабул қилинади.

6.5. Овозлар ЙИГИЛИШДА ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ улушлари микдорига кура мос равишда таксимланади.

6.6. ЙИГИЛИШ томонидан барча қарорлар қабул қилишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қўрсатилганидек ЙИГИЛИШ томонидан (бир овоздан қабул қилиш, ихтисосли қўпчилиқ (2/3 қисмидан иборат) ёки оддий қўпчилиқ овоз билан) қабул қилинади.

6.7. ЙИГИЛИШГА ўз ваколатларига доир саволларни сиртдан овоз бериш йўли билан қабул қилиши рўхсат этилади (бирма-бир сураб чиқиш йўли билан).

6.8. Хар бир ТАЪСИСЧИ ЙИГИЛИШИ қақирилиши тугрисида унинг ўтқазилишидан қамида 30 (ўттиз) кўн олдин езма равишда ҳабардор қилиниши шарт. Ҳабарномада ЙИГИЛИШИГА қўйилаётган кўн тартиби масалалари қўрсатилади. ЖАМИЯТНИНГ хар бир ТАЪСИСЧИ ЙИГИЛИШ ўтқазилишидан қамида ўн беш кўн олдин ЙИГИЛИШИНИНГ кўн тартибига қўшимча масалалар қиритиш тугрисида тақлиф қиритиши ҳуқуқига эга.

6.9. ЙИГИЛИШ навбатдаги ва навбатдан ташқаридаги булади.

6.9.1. Навбатдаги ЙИГИЛИШ йилда икки марта қақирилади.

6.9.2. Навбатдан ташқари ЙИГИЛИШ ДИРЕКТОР, ТАЪСИСЧИЛАР ёки тафтишчи томонидан қақирилади.

6.10. ЖАМИЯТНИНГ кўндалик фаолиятига раҳбарлиқ қилиш ўчўн ЙИГИЛИШ томонидан ўч йил муддатга ДИРЕКТОР тайинланади.

6.11. ДИРЕКТОР:

6.11.1. ЙИГИЛИШ томонидан қабул қилинган қарорларни ижросини ташқил этади.

6.11.2. ЙИГИЛИШИГА ҳисобот давр натижалари бўйича ЖАМИЯТ фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тақдим этиш, бухгалтерия ҳисоботни юритишни таъминлаш;

6.11.3. ЖАМИЯТ фаолиятига раҳбарлиқ қилади.

6.11.4. ЖАМИЯТ номидан битимлар тузади, қонўнда назарда тутилган йирик битимлардан ташқари.

6.11.5. ЖАМИЯТ номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш;

6.11.6. ЖАМИЯТНИНГ ходимлари билан меҳнат шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, ҳамда ўларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш;

6.11.7. Ишончномалар бериш, банқларда ЖАМИЯТНИНГ ҳисоб рақами очиш;

6.11.8. Бўйруқлар чиқариш ва ЖАМИЯТ ходимларига ижроси мажбурий бўлган қўрсатмаларни бериш;

6.11.9. Амалдаги қонунчилигига мувофиқ, ҳамда УСТАВ ва ШАРТНОМАДА қўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

6.12. ДИРЕКТОРНИ фаолият қўрсатиш, жавобгарлиги ва унинг томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, УСТАВ ва ШАРТНОМАСИ, ҳамда ЖАМИЯТ ва ДИРЕКТОР ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

6.13. ЖАМИЯТНИНГ молиявий ҳужалиқ фаолиятини назорат қилиш ўчўн ЙИГИЛИШ томонидан ўч йил муддатга тафтишчи тайинланади.

6.14. Тафтишчининг ҳуқуқлари:

- ЖАМИЯТНИНГ масъул мансабдор шахсларидан хоҳлаган вақтда ЖАМИЯТНИНГ фаолияти билан боглик булган ҳужжатларни яъни бухгалтер, иктисодий ва бошка ҳужжатларни талаб килиб олиш;
- ЖАМИЯТ манфаатларига хавф етадиган булса ёки ЖАМИЯТ мансабдор шахслари томонидан уз ҳуқуқ ва мажбуриятларини суистемол килинаётганлигини аникласа навбатдан ташкари ЙИГИЛИШ чакириш.

6.15. Тафтишчининг мажбуриятлари:

- ЖАМИЯТ фаолиятини йилда бир мартадан ортик текширмаслик;
- Текшириш натижаларини ЙИГИЛИШДА ҳисобот бериш.

6.16. Тафтишчи йиллик ҳисобот ва баланс юзасидан ҳулоса тайёрлайди. Унинг ҳулосаси булмаса ЙИГИЛИШ йиллик балансни тасдиқдаш ҳуқуқига эга эмас.

6.17. Тафтиш ва текширувлар ЖАМИЯТНИНГ муътадил иш тартибини бузмаслиги керак.

7. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ КИЛИШ. ХИСОБ ВА ХИСОБОТНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ.

7.1. ЖАМИЯТНИНГ молиявий ҳужжатлари ишончлиги ва бухгалтерия ҳисоботи олиб бориш тартиби урнатилган талабларга мослигини текшириш учун ЙИГИЛИШИ томонидан бир овоздан қабул килинган қарорга асосан, қонунда белгиланган тартибда аудитор ташкилоти жалб килиниши мумкин.

7.2. ЖАМИЯТ уз фаолият натижаларини бухгалтерия ва статистика ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ва меъерий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

7.3. ЖАМИЯТНИНГ фаолият яқунлари белгиланган тартибга тузиладиган ҳисоботларда акс эттирилади.

7.4. Ундириб олинанидан умид булмаган қарзлар, қамомадлар, моддий-товар бойликларининг йуқолиши, маънавий эскирган асбоб-ускуналар ва воситаларни ЖАМИЯТ балансидан чиқарилиши ДИРЕКТОР томонидан амалга оширилади.

7.5. Молиявий йил 1 январдан ва йилнинг 31 декабридан тугайди. Йил тугаганда ЖАМИЯТНИНГ баланси, фойдалар ва зиёнлар ҳисоби тузилади.

8. ЖАМИЯТНИНГ ҲУЖЖАТЛАРНИ САКЛАШ.

8.1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ЖАМИЯТ қуйидаги ҳужжатларни узининг фаолият давомида сақланишини таъминлаб бериши керак:

- ЖАМИЯТНИНГ таъсис ҳужжатлари, ҳамда ЖАМИЯТНИНГ таъсис ҳужжатларига белгиланган тартибда киритилган ва руйхатдан утказилган узгартиришлар ва қушимчалар;
- ЙИГИЛИШНИНГ баенномалари;
- ЖАМИЯТНИНГ давлат руйхатдан утганлиги тугрисида ҳужжатлар;
- ЖАМИЯТНИНГ унинг балансида акс эттирилган мол-мулкига булган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ЖАМИЯТНИНГ филиаллари ва ваколатхоналари тугрисида Уставлар;

- ЖАМИЯТНИНГ облигацияларини чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар;
- Аудитор ташкилотининг ҳулосалари;
- Амалдаги қонунчилиги билан қўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

8.2. УСТАВНИНГ 8.1 бандида қўзда тутилган айрим ҳужжатларни сақлаш муддати ЙИГИЛИШИ томонидан қабул қилинган қарори билан қисқартирилиши мумкин.

8.3. Ҳужжатлар узининг ижро этувчи органи жойлашган манзили бўйича еки ЖАМИЯТ барча ТАЪСИСЧИЛАРИГА маълум бўлган ва қириши мумкин бўлган бошқа жойда сақланади.

8.4. УСТАВНИНГ 8.1 бандида қўрсатилган ҳужжатлар билан ТАЪСИСЧИЛАРИ ва ЖАМИЯТДА меҳнат шартномаси асосида ишлаётган мансабдор шахслар истаган вақтда танишиб чиқишлари мумкин. Давлат органилари ва уларнинг мансабдор шахслари ЖАМИЯТ фаолиятига оид бўлган ҳужжатлар билан, шу жумладан юқорида айтиб утилган ҳужжатлар билан, факат қонунда қўрсатилган ҳолатларда ва тартибда танишиб чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

9. ЖАМИЯТНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ.

9.1. ЖАМИЯТНИНГ қайта ташкил этилиши (бирлашиши, қушилиши, ажралиб чиқиши, бўлиниши, қайта тузилиши) ва тугатилиши ЙИГИЛИШИНинг қарорига биноан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. Тугатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун ЙИГИЛИШИ томонидан тугатиш комиссияси тузилади. Тугатиш комиссиясига тайинланган вақтдан бошлаб ЖАМИЯТ ишларини бошқариш бўйича ваколатлар утади. Тугатиш комиссияси ЖАМИЯТНИНГ мол-мулкини баҳолайди, унинг дебитор ва кредиторларини аниқлайди ва улар билан ҳисоб-китобларни амалга оширади, тугатиш балансини тузиб чиқади ва уни ЙИГИЛИШИГА тақдим этади.

9.3. ЖАМИЯТ тугатилиши тугрисида хабарнома матбуотда эълон қилинади.

9.4. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондлари билан солиқлар ва бошқа мажбурий туловлар, ЖАМИЯТ ходимларига иш ҳақи ва ЖАМИЯТ барча кредиторлари билан ҳисоб-китобларни тамомлангандан сунг ЖАМИЯТНИНГ қолган мол-мулки ва пул маблағлари ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ Устав Фондига қўшган улушига нисбатан тенг равишда ТАЪСИСЧИЛАР уртасида тақсимланади.

9.5. ЖАМИЯТ ягона давлат реестрига тегишли езувлар қиритилган вақтдан бошлаб ЖАМИЯТНИНГ тугатилиши яқунланади, ЖАМИЯТ эса ўз фаолиятини тамомланган деб ҳисобланади.


10. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР.

10.1 УСТАВИДА ва ШАРТНОМАДА тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги асосида ҳал қилинади.

10.2 УСТАВ қонунга мувофиқ рўйхатдан утказилган пайтидан бошлаб қучга қиради.

VELESIK Viktor Andreyevich (Велесик Виктор Андреевич)

Djusupov Yerkin (Джусупов Еркин Адильевич)

Two horizontal lines, each containing a handwritten signature. The top signature is in dark ink and appears to be 'VELESIK'. The bottom signature is in lighter ink and appears to be 'Djusupov Yerkin'.